

Музаффар Наимов

Сурхон қўшиқлари

III ҚИСМ



Музаффар Наимов

Сурхон қўшиқлари



III ҚИСМ

«Yangi asr avlodi»

Тошкент
2010

Ушбу ўқув қўлланма мусиқа йўналишидаги ўқув даргоҳлари талабаларига фольклор қўшиқ ижрочилиги фанидан фойдаланиш учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:
Рустамбек АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон санъат арбоби, санъатшунослик
фанидаги доктори, профессор

Тақрирчилар:
Шафоат РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Термиз Давлат университети, мусиқа
кафедраси доценти

Клара МАРДАЕВА,
Термиз Давлат университети мусиқа
таълими кафедраси мудири

Нормурод БАКАРОВ,
Термиз санъат коллежи олий тоифали ўқитувчиси

*Ушбу ўқув қўлланма Термиз Давлат университети илмий кенгаши томонидан
2009 йил 24 декабрда (2-сонли байънома) нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-08-597-8

© Музаффар Наймов, "Сурхон қўшиқлари". "Янги аср авлоди", 2010 йил.

КИРИШ

Юртбошимизнинг эътиборлари ва савий-ҳаракатлари туфайли бебаҳо хазинамиз ҳисобланмиш маросимларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз тубдан ижобий томонга ўзгариб ўз қадрини топмоқда. Маросимларимизни тўзал ва мафтуноклигини кўрган ҳар бир инсон ундаги миллий либосларимизнинг бетакрорлигига, бевосита маросим билан боғлиқ қўшиқларимизнинг илдизли узоқ тарихдан дарак беришига, рақсларимизнинг ўзига хос мактаби борлигига амин бўлиб, тасаннолар айтгани келади. Воҳага хос халқ қўшиқларини йиғиб "Сурхон қўшиқлари" деб номлаб 1997 йилда I қисми, 2000 йилда II қисминини нашрдан чиқаришга эришдик. Баҳолли қудрат излашчилар самараси сифатида ушбу тўпламнинг III қисми тўй қўшиқлари, мавсум, мавсумий меҳнат қўшиқлари, йилнома-тақвим қўшиқлар ва ундан ташқари турли мавзудаги қўшиқлардан иборат бўлиб, тўпламда киритилган қўшиқларнинг ижрочилари ҳақида ҳам маълумотлар беришган. Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Сарносий, Узун туманларида олиб борилган экспедициямиз маҳсули сифатида ушбу тўплам юзати келди. Халқ қўшиқларини ёзиб олиш, тўплаш, ноталантиришдан мақсад бу қўшиқларга янгидан ҳаёт бахш этиш ва келгуси авлодга етказиш, бундан баҳраманд қилишдир. Тўпламдаги қўшиқлар келгусида фольклор жамоалар репертуарларида янада сайқал топиб, ўз тароватини намойи қилиб кўрсатишига ишонамиз. Ҳаёт давом этар экан, ижод ҳеч қачон сўймайди, тўхтамайди. Шундай экан, келгусида ушбу тўпламнинг IV-қисминини ҳам нашрга тайёрлаш ишларини олиб бормоқдамиз. Хуллас, "Сурхон қўшиқлари" тўпламининг III қисми фольклор жамоалар, ҳаваскорлик ашула ва рақе ансамбллари раҳбарларига ва мусиқа йўналишидаги ўқув даргоҳлари талабаларига фойдалилиги учун тавсия этилади. Тўплам ҳақидаги фикр-мулоҳазалариниғизни самимият ила кутиб қоламиз.

ТҮҲИ МАРОСИМ ҚЎШИҚЛАРИ

Лайла-ло

Сурхондарёнинг тоғли Ҳшор қишлоғи ҳудудига ҳос қўшиқ бўлиб, тўйларда фақат аёллар томонидан ижро этилади. Қўшиқда қизларнинг ёрларига нисбатан севги-муҳаббатлари ҳазил сўзлар орқали акс эттирилади. Қўшиқ доира жўрлигида ижро этилганда уфори усуллар силсиласида қизалоқдан камширгача даврани тўлдириб рақсга тушишади. Қўшиқ шўх, рақсбоп оҳангда ижро этилади.

Пахтаро гир (Пахтани ол)

Денов тумани тоғли Ҳшор қишлоғида азаддан ўзбеки тожик бир оиладек яшаб келишади. Улар бир-бирларининг тилларига тушуниб, кўплари икки тилда ҳам гаплашаверадилар. Тўй маросимларида ҳам ўзбекча, ҳам тожикча қўшиқлар ижро этилади.

Никоҳ тўйида куёв келишни уйга киргизганидан кейин аёлларимиз томонидан “Пахтаро гир” қўшиғи ижро этилади. Бу қўшиқ вилоятнинг шу ҳудудига ҳос бўлиб, бошқа жойларда қайд этилмаган. Икки аёл кўлларига оллоқ пахта олишиб, шу қўшиқни куйлашади. Қўшиқ ўлчови 6/8 бўлиб энгил, ҳазил, юмор тарихасида куйланади.

Нақш

Суннат тўйи кунини туш пайтида элга ош тарқатилгач, “нақш” базми бошланади. Базмда эркаклар икки томонга бўлиниб, бир-бирларига қарата байт айтишни бошлашади. Байтни бир киши айтиб қолганлари бас, бас, бас, бас сўзларига жўр бўлишади. Иккинчи томон ҳам шу тариха давом эттириб даврани қиздиришади. Айтишув сифатида ижро этилган ушбу қўшиқ фақат воҳанинг Дашнобод қишлоғига ҳосдир. Айтишувнинг ҳар бир банди янги сўзлар билан бадиҳагўйлик тарзида бойитилиб боради. Ҳар бир банд ўз мазмунига эгадир. Айтиладиган сўз бўғинларига маълум товуш тўғри келади, шу туфайли репитатив ижро услуби ҳосил бўлади. Ижрочилар овози баланд товушларда жаранглайди. Ритмик услуби равоц, ижро ҳаракат жараёнида намоён бўлади. Қўшиқ ўлчови 6/8 бўлиб, тез темпда чолғу жўрлигисиз ижро этилади.

Ёр-ёр

Бу қўшиқларнинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Кўп йиллар фарзандларини вояга етказиб келин-куёв либосида кўриш, висол оқшомларида айтиладиган ёр-ёр қўшиқларини ҳар қайси ота-она интиқлик, соғинч ва умид билан кутади. Қизини ота-онаси уйдан узатаётганда ва куёвининг хонадонига кириб бораётганда ёр-ёр қўшиқларининг айтилиши беихтиёр ота-оналар кўзида севинч ёшларини пайдо қилади. Бу қўшиқда ота-онанинг таърифни, орзу-умиди, келин ва куёвининг бахти, саодати, муҳаббати, вафоси, серфарзанд бўлишлари иштиёқ билан куйланади. Доира жўрлигида бу қўшиқларни куйлаётган аёлларимиз ҳазил-мутойиба тарихасида келин-куёвга, оғайинларига, кўшиниларига атаб ҳазиломуз бандлар ҳам тўқиб куйлашади.

НАВРЎЗ ҚЎШИҚЛАРИ

Оҳай-оҳай

“Наврўз” сайилларида ижро этилиб, байрамга ўзига ҳос кўтаринкилик кайфияти бахш этади. Қўшиқ ёрга нисбатан ҳазил-мутойиба сўзлардан иборат бўлиб, шўх, ўйлоқчи оҳангда ижро этилади. Қўшиқ фақат аёллар томонидан куйланиб, унинг ҳар бир банди бир хил оҳангда айтилади. Ушбу қўшиқ Шўрчи туманига ҳос бўлиб бошқа жойларда қайд этилмаган.

Оҳ-воҳ

“Наврӯз” сайларида фақат эркалар томонидан ижро этилган қўшиқлардан бири ҳисобланади. Қўшиқ шўҳ, енгил лапар услубида айтылади. Қўшиқ мазмуни севги муҳаббат, ёрга, сайл иштирокчиларига нисбатан ҳазил сўзлардан иборат бўлса-да, асосий мақсад иштирокчиларни ўйинга, рақсга чорлаш бўлган. Қўшиқ ўлчови 6/8 бўлиб, куйи калта диапазонда енгил ва жозибали характерда ижро этилади.

Бедана

Баҳор келиши билан атроф кўм-кўк либосга ўраниб олади. Бир томонда майсапар қийғос очилса, бир томонда лола, қизғалдоқлар фалакка қараб бўйи чўзиб, шамол таъсирида гўёки рақсга тушаётгандай тебраниб туради. Табиатнинг фусункор фаслида халқимиз қадимдан сайлларга чиқишиб хурсандчилик қилиб, қўшиқлар куйлашган. Майсазорларда бир жойдан бошқа жойга қўшиб “питилик” деб сеҳрли сайрашлари билан одамни ўз оғушига тортадиган бедана қўшиқ ҳақида ҳам қўшиқлар тўқшган. Қўшиқда бедананинг чиройли сайраши, қизларнинг баъзи қирралари ҳазил, юмор тариқасида енгил, шўҳ ўйинбоп характерда куйланади.

МАВСУМИЙ МЕҲНАТ МАРОСИМ ҚЎШИҚЛАР

Ёзи

Бугдой ўрими лайтида тарафма-тароф бўлиб айтыладиган бу қўшиқ ўроқчилар кўнглини кўтариб, уларга тегижик бахш этиб, чарчоқларини унуттишга ёрдам берган. Қўшиқ сўзлари чўзиб куйланиб, байт охирида эса ҳамма “обло” сўзига жўр бўлишган. Қўшиқ куйи жозибадор, бир оҳангга диалог шаклида бўлиб, жўрсиз айтылган. Шунинг учун куйловчилардан катта маҳорат талаб этилган.

ЙИЛНОМА—ТАҚВИМ ҚЎШИҚЛАР

Раббиман

Рўза ойининг учинчи кунда хонадонма-хонадон юриб айтыладиган қўшиқ Сурхондарёда “Рамазон”, “Раббиман” деб аталади. Шундай қўшиқларни айтувчиларни рамазончилар ёки раббиманчилар дейишади. “Раббиман” қўшиғининг асосий мазмуни хонадонга яхшилик, ризқ-рўз, хонадон соҳибларига эса яхши ниятлар тилаш ва рўза ойининг муқаддаслиги, файз-баракот келтирувчи ой эканлиги куйланади. Раббиманчилар эрта саҳардан ёки кечга яқин уч киши уйма-уй юриб шу қўшиқни айтишади. Бир киши қўшиқ бақдларини айтса, қолган икки киши раббиман нақоратига жўр бўлишади. Қўшиқ охиригача ижро этилиб бўлгач, хонадон эгалари имкон даражада раббиманчиларга топганини кўнглидан чиқариб беришади. Бу қўшиқни ҳавас, гурур ва қувонч билан ёшу қарилар ижро этишади.

ТУРЛИ МАВЗУДАГИ ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ

Во вelay (Вой ўлай)

Айрилиқда қолган есвикли ёр томонидан чўзиб куйланадиган ғамгин қўшиқ бўлиб, яккахон томонидан ижро этилади. Қўшиқ сўзларида душманга нисбатан нафрат туйғулари яққол кўзга ташланади. Қўшиқ диапазони квинта оралиғида бўлиб, мусиқа жўрлигисиз куплет тарзида айтилиб, бир оҳанг қайта-қайта такрорланади. Воҳанинг тоғли Ўшор қишлоғига хос бу қўшиқ бошқа жойларда қайд этилмаган.

Ҳай доғу доғ

Бу қўшиқ йигитнинг севгилисига нисбатан айтилган дил дардларини изҳор этиши, ёр висолга етишиш учун ўртаниш, қизнинг камон қошлари, уш кўртинда ақлу ҳушидан айрилиб лол қолиши, ишқ ўтида ёниши ва соғинч каби ҳис-туйғулар шўх оҳанглар орқали куйланади. Қўшиқ ўлчови 6/8 бўлиб, мусиқа чолғулар жўрлигида, айниқса доирада уфур усулларининг садоланиши қўшиққа янда кўтаринкилик руҳиятини бағишлайди.

Дўрма

Қўшиқда йигит ва қизнинг гулзорда сайр қилишлари, қизнинг гўзаллиги, ёшлик шўхликлари, сурма тортилган қошу кўзларининг мафтункорлиги, ноз-карашмалари, йигитнинг қизга нисбатан муҳаббати лирик оҳангда куйланади. Қўшиқ ўлчови 6/8 бўлиб, ўртача тезликда шўх, ўйноқи тарзда ижро этилади.

Ҳуёлло

Сурхон воҳасига хос бўлган алли қўшиқларидан яна бир тури бўлиб, улар боболаримиз томонидан болани юпатиш, эркалаш, суйиш, овуттиш қўшиғи сифатида алоҳида ўрин тутади. Болани эркалаш айрим ҳолатларда ухлатиш, ором олдириш учун айтиладиган бу қўшиқ ўзига хос регитатив оҳангда такрорланиб, сатрлар охирида “йу-ҳуй” сўзлари такрорланади. Қўшиқ оҳанги бир ҳолат ва услубда айтилади, унинг диапазони калта(терция оралигида) ритм услуби равон, шакли ҳам текис даврия тузилишида. Бу қўшиқнинг нафақат сўзлари, балки оҳангида ҳам воҳага хослик сезилиб туради, ушбу айтимлар ўзининг лиро-эпик характери билан ажралиб туради.

Лолача

Уфур усулида ижро этиладиган бу қўшиқда ёрининг “лола” ўсимлигига қиёсий ўхшатилиши, эркалатиш, ёрга етишиш каби сўз ўйинлари куйланади. Қўшиқ ўйноқи, рақсбон характерда ижро этилади. Яккахон ҳар бир куплетни куйлагандан кейин қолганлар нақоратга жўр бўлишади. Сўз бўғинларининг доира усуллари билан ҳамоҳанг бўлиши қўшиққа янда кўтаринкилик баҳишида етади.

Воҳ-воҳ тўрам

Қўшиқда ёр(тўра)га нисбатан ҳазиломуз илтижоси, эркалиги, унга зоб бериб турувчи коқили соҳларига тақилган жамалаги, унинг гўзаллиги ва позиклиги куйланади. Қўшиқ мусиқа чолғулар жўрлигида сипил, шўх, ўйноқи оҳангларда ижро этилади. Қўшиқ ижроси давомида “бўлама”(бўлармиш) каби сўзларнинг бир неча бор такрорланишида бойсунликларга хос шева яққол сезилиб туради.

Алла

Она қалбининг тўридаги орзу-армонлари дард-ҳасратларини ва бешиқда ётган боланинг қошу кўзларини, келисанда ўсиб улғайиб камол топишини, висол оқшомлари насиб этишини ифодаловчи сўзлар маълум оҳанглар билан, нолалар билан жиплонаниб ҳамоҳанг бўлиб алла қўшиғига айланади. Оналар алласининг оҳанги ва ижроси ҳеч қачон бир-бирига ўхшамайди. Бешиқни бир маромда секин-аста тебратилиши қўшиққа мийинлик бахш этиб, боланинг тинч ухлагига ва ором олишига ёрдам беради. Маълумки, қўшиқ чолғуларсиз ижро этилади, шунинг учун куйловчидан катта маҳорат талаб этилади. Бу алла қўшиғида даҳшатли уруш қанчалар оналарнинг тинчини бузиб, куйфатлар келтиргани ва урушга кетган аскарларнинг севини ёрлари томонидан куйланган айрилиқ, соғинч, ўкинч каби ғамгин нолалари ўрин олган.

Янгажон

Қайноға(қайни) томонидан янганинг қошлари, кўзлари, юзларининг гўзаллиги ва кийган либослари ярашганлигиши ҳазил-мутойиба тариқасида таърифлаб айтивадиган қўшиқ бўлиб, хушчақчақ, сипил, шўх, рақсбон оҳанглар билан айтілади. Қўшиқ бандлари яккахон томонидан ижро этилиб, нақоратга эса ҳамма жўр бўлади.

Лай-ла-ло

Ўртача

Ат-ла-сим-нинг о-ки бор лай-ла-ла-ло лай-ла-ло, Ту-морки-либ то-киб о-лей
лай-ла-ла-ло, лай-ла-ло. Ёш-ли-гин-да ўй-наб қол, лай-ла-ла-ло, лай-ла-ло
Ўй-на-ма-ган - дар ким бо-рей лай-ла-ла-ло, лай-ла-ло. Лай-ла-ла-ло, лай-ла-ло,
лай-ла-ла-ло, лай-ла-ло. Лай-ла-ла-ло, лай-ла-ло, лай-ла-ла-ло, лай-ла-ло.

ЛАЙ-ЛА-ЛО

Атласимнинг оқи бор лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Тумор қилиб тақиб ол лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Ёшлигингда ўйнаб қол лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Ўйнолмаганлар ким боре лайла-ла-ло, лай-ла-ло.

Чирогим бор ўнинчи лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Пилни ўн биринчи лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Йиғитларнинг ичда лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Бизнинг ёрга тенги йўқ лайла-ла-ло, лай-ла-ло.

Саңдиқ устида бўхча лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Йиғитлар гули гунча лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Қургур душман қўймади лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Гул бўлиб очитгунча лайла-ла-ло, лай-ла-ло.

Ҳовлингизда гул кўрдим лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Шоҳида булбул кўрдим лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Аскар кетган оғамни-ей лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Ухлаб гушимда кўрдим лайла-ла-ло, лай-ла-ло.

Қора камар белларда лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Ўрдак юрар кўшларда лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Бирга ўсган оғалар лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Кўринмайди кўшларга лайла-ла-ло, лай-ла-ло.

Осмондаги уч ўрдак лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Уччаласи ҳам бирдек лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Ўшоримнинг қизлари-ей лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Очилган қизил гулдек лайла-ла-ло, лай-ла-ло.

Девор устида гўра лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Қиз бўлсанг рўмол ўра лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Ҳали ёринг ёни экан лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Бориб ёришгдан сўра лайла-ла-ло, лай-ла-ло.

Девор устида ўзим лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Йиғлайди қора кўзим лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Оғажоним ўзига лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Ўтмайди ширин сўзим лайла-ла-ло, лай-ла-ло.

Дутор чертиб турувдим лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Тори узлиб кетди-ей лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Оғам ёдимга тушиб лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Кўнглим эзilib кетди лайла-ла-ло, лай-ла-ло.

Рўмонингиз кир экан лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Ювганингиз йўқ экан лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Сизга ошиқ бўлувдим лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Билганингиз йўқ экан лайла-ла-ло, лай-ла-ло.

Осмондаги булутлар лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Нароқ-нaroқ юринглар лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Мен оғамни кўрганда лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Сўроғида бўлинглар лайла-ла-ло, лай-ла-ло.

Ариқ лабини ўйдим лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Чаккамга гуллар тақдим лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Оғажоним келсин деб лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Ўтириб хатлар ёздим лайла-ла-ло, лай-ла-ло.

Тоққа чиқдим тақиллаб лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Тоқни сирғам ялтиллаб лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Бизни кўрган душманди-ей лайла-ла-ло, лай-ла-ло,
Жонни чиқсин ҳиқиллаб лайла-ла-ло, лай-ла-ло.

ПАХТАРО ГИР

Шӯҳроқ



Пах-та-ро гир, пах-та-ро, ба-ноз гир пах-та-ро. Ба ғоз - гир пах-та-ро,
пах-та-ро гир пах-та-ро. Гус-фан-ди мо куш-та-ро, меҳ-мон би-ёд шиш-та-ро.
Би-риш - жи мо шуш - та - ро, пах - та - ро гир пах - та - ро.
ба нағ - ма гир пах - та - ро, пах - та - ро гир, пах - та - ро.

ПАХТАРО ГИР

Пахтаро гир, пахтаро,
Ба ноз гир пахтаро.
Ба ғоз гир пахтаро,
Пахтаро гир, пахтаро.
Гусфанди мо куштаро,
Меҳмон биёд шиштаро.
Биршижи мо шуштаро,
Пахтаро гир, пахтаро,
Ба нағма гир пахтаро.

ДАШНОБОД НАҚШ АЙТИШУВ ҚЎШИҒИ

Тезрок


(1 чи томондагилар)



Чум - чу - гим чи - рил - лайди ка - но - ти пи - рил - лай - ди, ё - рим - га бо - рай де - сам

(хамма)

(2 чи томондагилар)



кў - на - ги ги - рил - лай - ди. Бас, бас, бас, бас, бас. У - зум сой - га ўқ от - ди



чак - мо - ним - ни йў - хот - дим, ух - лаб қол - ган ё - рим - ни

(хамма)



киш - миш бе - ribs уй - хот - дим бас, бас, бас, бас, бас.

НАҚШ АЙТИШУВ ҚЎШИҒИ

1-томондагилар:

Чумчугим чириллайди,
Қаноти пириллайди.
Ёримга борай десам,
Қўшаги пириллайди.

Ҳамма: Бас, бас, бас, бас, бас.

2-томондагилар:

Узун сойга ўқ отдим,
Чакмонимни йўқотдим.
Ухлаб қолган ёримни,
Кишимни бериб уйғотдим.

Ҳамма: Бас, бас, бас, бас, бас.

1-томондагилар:

Нетарим сани билан,
Бўлмади мани билан.
Сан ёшгина ўғлосан,
Саргардон сани билан.

Ҳамма: Бас, бас, бас, бас, бас.

2-томондагилар:

Ошиқман оромим йўқ,
Кечага қарорим йўқ.
Бошимга мушкул келса,
Шу нишан хабарим йўқ.

Ҳамма: Бас, бас, бас, бас, бас.

1-томондагилар:

Яғни ойнанинг ойдини,
Тегирмоннинг гардуни.
Ҳеч бандага солмасин,
Шу боланинг дардини.

Ҳамма: Бас, бас, бас, бас, бас.

2-томондагилар:

Югурдим етолмадим,
Қўл солдим, тутолмадим.
Кесилсин меннинг тилим,
Арзимни айтолмадим.

Ҳамма: Бас, бас, бас, бас, бас.

БОЙСУН ЁР-ЁРИ

Ўртача

Кат - кат - ги - на кат - ла - ма кат - ла - ниб - ди ёр, ёр.

Қиз - ни олиб ян - га лар от - ла - ниб - ди ёр, ёр.

Ос - мон - да - ги юл - дуз - ни сак - киз денг - лар ёр, ёр.

Сак - киз киз - нинг сар - до - ри келин денг - лар ёр, ёр.

БОЙСУН ЁР-ЁРИ

Қат-қатгина қатлама,
Қатланибди ёр-ёр.
Қизни олиб янгалар,
Отланибди ёр-ёр.

Осмондаги юлдузни,
Саккиз денглар ёр-ёр.
Саккиз қизнинг сардори,
Келин денглар ёр-ёр.

Араванинг тагига,
Сейшим кепак ёр-ёр.
Келин ойини сеплари,
Саккиз шпак ёр-ёр.

Нима кийсанг ярашди,
Бўйганингга ёр-ёр.
Ёр-ёр айтай деб келдим,
Тўйганингга ёр-ёр.

Ола қопдан отининг,
Хуржини бор ёр-ёр.
Қуёвтура билмаган,
Сирларим бор ёр-ёр.

Мен отимни қўшмайман,
Ёмон отга ёр-ёр.
Қандай жавоб берамано,
Қиёматга ёр-ёр.

Мен қуёвга тиладим,
Бойчибор от ёр-ёр.
Мишса қувнаб яйрасин,
Ул чипор от ёр-ёр.

ОҲАЙ-ОҲАЙ

Шўх

Кў - ча - мўз-нинг то - ли кўп о - хай, о - хай, о - хай.

Бу чол - лар-нинг мо - ли кўп о - хай, о - хай, о - хай.

Бу - зо - ни - ни боқ-май - ман о - хай, о - хай, о - хай.

Бу чол - га - ё ёқ-май - ман о - хай, о - хай, о - хай.

ОҲАЙ-ОҲАЙ

Кўчамизнинг толи кўп, оҳай-оҳай,
 Бу чолларнинг моли кўп, оҳай-оҳай,
 Бузовни боқмайман, оҳай-оҳай,
 Бу чолга-ей ёқмайман, оҳай-оҳай.

Мўйловингни мойлайвер, оҳай-оҳай,
 Соқолнигни тарайвер, оҳай-оҳай,
 Бузовнигни боқаман, оҳай-оҳай,
 Сиз чолга-ей ёқаман, оҳай-оҳай.

Уйда бордир уйирдир, оҳай-оҳай,
 Кўзларини уйирдир, оҳай-оҳай,
 Уйшамайман десам ҳам, оҳай-оҳай,
 Уйнайсан деб буюрди, оҳай-оҳай.


Бобожоним қалайсиз, оҳай-оҳай,
 Қаттиқ берсам жалайсиз, оҳай-оҳай,
 Бир кеча келмай қолсам, оҳай-оҳай,
 Аҳволимни сўрайсиз, оҳай-оҳай.

Жуқорининг шамоли, оҳай-оҳай,
 Соқолни қайирди, оҳай-оҳай,
 Қуриб кетгур баталён, оҳай-оҳай,
 Чолимиздан айирди, оҳай-оҳай.

Том устида беда бор, оҳай-оҳай,
 Майдасини элаб ол, оҳай-оҳай,
 Шунча қизнинг ичидан, оҳай-оҳай,
 Чиройлисини танлаб ол, оҳай-оҳай.

ОҲ-ВОҲ

Шўх




О-ху-ва ай-тиб ўй-най-миз-ей, ох-у-воҳ, ўй-наб си-ра тўй-май-миз-ей,



о-ху-воҳ Ба-хо-на-чи са-танг-лар-ей, о-ху-воҳ, қў-шил-ма-са



қўй-май миз-ей, о-ху-воҳ. Ок-би-ла-гини ок-ки-на-ей, о-ху-воҳ,



зуд финг кирқ бир ток-ки-на-ей о-ху-воҳ. А-канг зуд-финг си-ла-са-ей



о-ху-воҳ, қўн-ли бу-лар чок-ки-на-ей, о-ху-воҳ. О-ху-воҳай-тиб



ўй-най миз-ей, о-ху-воҳ. ўй-наб си-ра тўй-май-миз-ей, о-ху-воҳ.

ОҲ-ВОҲ

Нақорат:

Оху-во айтиб ўйнаймиз-ей, ох-воҳ,
Ўйнаб сира тўймаймиз-ей, ох-воҳ.

Мўйловгинани товлани-ей, ох-воҳ,
Ака киссанг қовлагин-ей, ох-воҳ.
Ўйнаётган жувонни-ей, ох-воҳ,
Юрагини овлагин-ей, ох-воҳ.

Шилдир-шилдир шувоққа-ей, ох-воҳ,
Сирғанг тушиб қололти-ей, ох-воҳ.
Синалмаган жойларга-ей, ох-воҳ,
Шу қиз тушиб боролти-ей, ох-воҳ.

Ўйинчи қиз биллагин-ей, ох-воҳ,
Майнингша сизлагин-ей, ох-воҳ.

Сузук кўли жонини-ей, ох-воҳ,
Қишқларин тилагин-ей, ох-воҳ.

Шойи белбоғ, укажон-ей, ох-воҳ,
Маҳкам боёна белини-ей, ох-воҳ.
Ёринг олиб тўй бошлаб-ей, ох-воҳ,
Хурсанд қилгин элингди-ей, ох-воҳ,

Шилдир-шилдир сув оқар-ей, ох-воҳ,
Вахшиворда тонг отар-ей, ох-воҳ.
Лапанлаган Мастура-ей, ох-воҳ,
Йигитларга хуш ёқар-ей, ох-воҳ.

Мастураини мастони-ей, ох-воҳ,
Бир қучоқдир достони-ей, ох-воҳ.
Кўларин хўп ярашган-ей, ох-воҳ,
Чиройиндир осмони-ей, ох-воҳ.

Бедана

Енгил



Бе-да-на-жо-ним бу-то-дир, мен-га ка-раб у-чо-дир, Ним-та-на пар-ча
бе-да-на-ма, так-та-ки юл-туи бе-да-на-ма. Ях-ши киз-га нав-вот бе-риб,
ла би-дан ұп-сам бе да на-ма. Ё-мон киз-га кур-моқ бе-риб, бах-ри-дан ұт-сам
бе-да-на-ма. Бе-да-на-жо-ним уч-ди, бе-да по-я-
га туш-ди. Пит-пи-лик, ва-вақ, бе-да-на-ма.

БЕДАНА

Беданажоним бугодир,
Менга қараб учодир,
Нимтана парча беданама,
Так-таки юлтуи беданама.

Яхши қизга поввот бериб,
Лабидан ұпсам беданама.
Ёмон қизга қурмоқ бериб,
Баҳридан ұтсам беданама.

Яхши отта арпа бериб,
Қўпқари чопсам беданама.
Ёмон отта кешак бериб,
Сўқимга боқсам беданама.

Беданажоним учди.
Беданояга тушди.
“Пит-пилик”, “ва-вақ” беданама.

ЎЗИ

Чўзиброк

Эй ю-ко - рит-дан ке-ло - тиб-ман эй чи-гит у-чун эй

киз-ла-ро у-ру-шо-дур йи-гит у-чун. Киз-ла-ро у-руш-манг-лар йи-гит у-чун

эй, Вой ху - до - ей, йи - гит - лар - нинг

жон торт - мо - ги сиз - лар у - чун. Об ло

ЎЗИ

Кали Ўзи Бухор берди келмади,
Отини оёғи синди келмади.
Отини оёғи синса, от олуре,
Кўнглини душманга берди келмади.

Ҳамма: Облоо...

Юқоригдан келотибман чигит учун,
Қизларо урушади йигит учун.
Қизларо урушманглар йигит учун-ей,
Йигитларнинг жон тортмоғи сизлар учун.

Ҳамма: Облоо...

Дарёнинг ул ёғида бир туп гўза,
Гўзанинг остида бир тилло кўза.
Тилло кўзани кўтаришга биллак керак,
Ёр билан ўйнамоққа торак керак.

Ҳамма: Облоо...

Ўзижон алтона келди сой билан,
Кўлида чинни пиёла, най билан.

Найини гўдакка берманг синдирур,
Кўнглини номардга берма, қолдирур.

Ҳамма: Облоо...

Қўй ичидан судраб чиқдим кўзини,
Нодон боши танимайди Ўзини.
Нодон боши танимаса Ўзини,
Йигит бўлсанг кўтар қизнинг нозини.

Ҳамма: Облоо...

Қўй ўлуб кўзи манраб қолмасун,
Йигит ўлуб ёри хайрон қолмасун.
Йигит ўлуб ёри хайрон қолса агар,
Асло ота-онадан бунёд бўлмасун.

Ҳамма: Облоо...

Дарёнинг ул ёғида қўш хайдагон,
Кўлида гаврони йўқ бўш хайдагон.
Белида белбоғи йўқ хас боғлатон,
Киссасида пули йўқ қиз сайлагон.

Ҳамма: Облоо...

РАББИМАН

Ўртача

Раб-би-ман, ё - раб-би-ман, ё - ра-ма-зон, мо-хи мо об - ло-хи-мо -
 хи ра-ма-зон. Пай-гам-бар-нинг бир ки - зи Ха - ди-ча- дир,
 Пай-гам-бар-нинг бир ки-зи Ха - ди-ча- дир, қў-ли-да тил-ло қай-чи
 тўн би - ча - дир. Раб - би - ман, ё - раб - би - ман,
 ё - ра-ма-зон. мо-хи мо об - ло-хи мо - хи ра-ма-зон

РАББИМАН

Нақорат: (2 киши)

Раббиман, ё раббиман, ё рамазон,
 Моҳи мо облоҳи моҳи рамазон.

Бир киши:

Пайгамбарнинг бир қизи Хадичадир,
 Қўлида тилло қайчи тўн бичадир.

Нақорат: (2 киши)

Раббиман, ё раббиман, ё рамазон,
 Моҳи мо облоҳи моҳи рамазон.

Шу уйнинг тўнугидан оғ кўрнар,
 Ҳамма уйлардан шу уй боғ кўрнар.

Нақорат: (2 киши)

Раббиман, ё раббиман, ё рамазон,
 Моҳи мо облоҳи моҳи рамазон.

Шу уйнинг тевараги қўйнинг изи,
 Қарағай рўмол беринг бойнинг қизин.

Нақорат: (2 киши)

Раббиман, ё раббиман, ё рамазон,
 Моҳи мо облоҳи моҳи рамазон.

Қарағай рўмолингиз бешимизга,
 Мақтаб-мақтаб борайлик элимизга.

Нақорат: (2 киши)

Раббиман, ё раббиман, ё рамазон,
 Моҳи мо облоҳи моҳи рамазон.

Туяни жуллайверса жуи чиқади,
 Ҳар уйда шунча айтсак, кун чиқади.

Нақорат: (2 киши)

Раббиман, ё раббиман, ё рамазон,
 Моҳи мо облоҳи моҳи рамазон.

ВО-ВЕЛАЙ

Чўзиброк



Том-да у-зум о-силси-ней во ве-лай, бал-до-ги-дан у-зул-си ней
во ве-лай.. Душ-ман юр-ган йўл-лар-га - сй во ве-лай,
ча - қир ти - кан бо - сил - си - ней во ве - лай

ВО-ВЕЛАЙ (ВОЙ ҶЛАЙ)

Томда узум осилси-ей во велей,
Балдондан узилси-ей, во велей.
Душман юрган йўлларга-ей, во велей,
Чақир тикан босилси-ей, во велей.

Теракнинг учтираси-е, во велей,
Пистанинг пучтираси-е, во велей.
Тюш ширин бўлади-е, во велей,
Боланинг кичкираси-ей, во велей.

Қўй келар эшидан-е, во велей,
Оёқлари кумушдан-е, во велей.
Энди биздан умид йўғ-е, во велей,
Жой беринглар беҳишдан-е, во велей.

Ариқ лабини ўйдим-е, во велей,
Чаккамга гуллар тақдим-е, во велей.
Ёрим ёдимга тушиб-е, во велей,
Соғинганда кўп куйдим-е, во велей.

ҲАЙ ДОҒУ, ДОҒИНГДАН

Шўх



Ҳай до - ғу до - ғинг - дан са - ни, бо - дом ко - во - ғинг дан са ни. Кал - ла - пў - шинг
ни дол қў - йиб, ўп - сам ду - до - ғинг - дан са - ни. Кал - ла - пў - шинг -
ни дол қў - йиб ўп - сам ду - до - ғинг - дан са - ни.

ҲАЙ ДОҒУ, ДОҒИНГДАН

Ҳай доғу, доғингдан сани,
Бодом қовоғингдан сани.
Каллапўшингни дол қўйиб,
Ўнсам лудоғингдан сани.


Қош агар найваста бўлса,
Ўсмани гардон қилур.
Ёр агар нораства бўлса,
Ёрни саргардон қилур.

Кўргали келдинг бугун,
Суйдиргали келдинг бугун.
Мен ғариб бечорани,
Ўлдиргали келдинг бугун.

Кўрсам ҳам дилим куяр,
Кўрмасам ҳам дилим куяр.
Исмингиз ёдимга тушса,
Сўзамол тишим куяр.

ДҮРМА

Кувнок



Нақорат



Нақорат



ДҮРМА

Қошинг қаро пайваста,
Сен баландда, мен пастда.
Иккаламиз гулзорда,
Қўлимизда гулдаста.

Нақорат:
Ҳа дўрма, дўрма, дўрма,
Қошу кўзингта сурма.

Оғ бойладим ёнгоққа,
Ҳазил қилма бўйдоққа.
Ҳазил қилсанг бўйдоққа,
Олиб кетар йироққа.

Нақорат:
Ҳа дўрма, дўрма, дўрма,
Қошу кўзингта сурма.

Том устида пиёла,
Ичи гўла гуллола.
Имлаб аста чақирсам,
Уялади қиз бола.

Нақорат:
Ҳа дўрма, дўрма, дўрма,
Қошу кўзингта сурма.

ҲУЁЛЛО


Ўртача



Ҳу-ёл-ло бу-ва - си каш-ка ху, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, хуй. Хў-ки-зи ки-ра -



ди мош-га ху, йу-хуй, йу-хуй, йу хуй, хуй. Қўш-га ил-дам бўл-ма - са - я



йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, хуй. О-либ бо-ринг - лар гўшт-га ху, йу-хуй, йу-хуй,



йу-хуй, хуй. Те-ри - си-ни си-йи - риб-о, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, хуй,



пи-чинг - лар кўп ко-вуш - га ху, йу - хуй, йу - хуй, йу - хуй, хуй.

ҲУЁЛЛО

Ҳуёлло бувади қашқа, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,
Хўкизи киради мошга, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,
Қўшга илдам бўлмаса-я, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,
Қайла қивинглар гўштга, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,
Терисини сийриб-а, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,
Пичинглар кўп ковушга, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй.

Бир жуп беринг Бувишга, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,
Яна бир жуп Кумушга, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,
Қолгани хели-хешга, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй.

Ола чипор оёғи, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,
Темирдайин туёғи, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,
Ҳуёлла айгай хуй бўлгина, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,
Ювошгина кўй бўлгина, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,
Худойимдан тишадим-а, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,
Катта бўлгин, тўй бўлгин-а, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй.

Бувагинанг даласи-я, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,
Хўкизининг машаси, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,
Юрагимди эади-я, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй,
Момосининг ашаси, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй, йу-хуй.

ЛОЛАЧА

Шўх

Маст бӯ-ла-миз ло-ла-ча, рост бӯ-ла-миз ло-ла-ча. Эр-та ту-риб-са-лом деб-а, дўст бӯ-ла-миз ло-ла-ча. Қиз-гал-доқ ло-ла э-мас, кап-па-си қал-ъа э-мас. Ло-ла у-ниб чиқ-ма-са-ей бу да-ла да-ла э-мас. Пи-чо-ги йўқ қиш э-мас, юл-ду-зи йўқ тун э-мас. Ло-ла-ча-ни кўр-ма-сам-ей ўт-ган кун-лар кун э-мас. Маст бӯ-ла-миз ло-ла-ча, рост бӯ-ла-миз ло-ла-ча. Эр-та ту-риб са-лом деб-а, дўст бӯ-ла-миз ло-ла-ча.

ДЎСТ БЎЛАМИЗ (ЛОЛАЧА)

Нақорат:
Маст бӯламинз лолача,
Рост бӯламинз лолача.
Эрта туриб салом деб-а,
Дўст бӯламинз лолача.

Қизгалдоқ лола эмас,
Каппаси қалъа эмас.
Лола униб чиқмаса-е,
Бу дала - дала эмас.

Нақорат:
Маст бӯламинз лолача,
Рост бӯламинз лолача.

Эрта туриб салом деб-а,
Дўст бӯламинз лолача.

Пичоги йўқ қиш эмас,
Юлдузи йўқ тун эмас.
Лолачани кўрмасам-ей,
Ўтган кунлар кун эмас.

Нақорат такрорланади.

Қор ёғмаса қиш эмас,
Устунни йўқ дор эмас.
Лолача мени ёрим-е,
Бошқалари ёр эмас.

ВОҲ-ВОҲ ТЎРАМ

Ўйноқи

Воҳ, воҳ ха тў-рам торт-манг жа-ма - ла-гим ни, воҳ, воҳ ха тў-рам торт- манг жа-ма -
 ла-гим - ни. Бе-кор - га тор - та-миз зар ко - ки-лим - ни, бе- кор - га тор -
 та- миз зар ко - ки-лим - ни. Эр-та би-дан мол ҳай - да-дим по-да - га,
 о - ти - ни айт-сам чи- қар - ми-кан да - ла - га. О - ти - ни айт-сам
 чи-қол - ма-са да-ла - га, бо- риб ай-тиш, у - ша ю-лим бо-ла - га.

ВОҲ-ВОҲ ТЎРАМ

Нақорат:

Воҳ-воҳ тўрам босманг жамалагимни,
 Бекорга босасиз, зар кокилимни.
 Зар кокилим заранчага ишиди,
 Бурбай гўштим чақамуққа тишиди.

Қиз дегани мунча нозик бўлурму?
 Орқа сочи доим ёзиқ бўлурму?
 Орқа сочи доим ёзиқ бўлганда,
 Бир боқши олти ой ёзиқ бўлурму?

Нақорат:


Воҳ-воҳ тўрам босманг жамалагимни,
 Бекорга босасиз, зар кокилимни.
 Зар кокилим заранчага ишиди,
 Бурбай гўштим чақамуққа тишиди.

Эрга билан мол ҳайдадим подага,
 Отини айтсам чиқармикан далага.
 Отини айтсам чиқолмаса далага,
 Бориб айтиш, ўшал эоним болага.

Нақорат:

АЛЛА

Майини



АЛЛА

Алла болам аллаё, алла
Эрка болам аллаё, алла
Ухлаб қолсин отажоним аллаё, алла.
Алла айтай жигар бандим аллаё, алла
Қатта бўлгин болажоним аллаё, алла.
Менинг болам аллаё, эрка болам алла.
Маҳмуд болам аллаё, жигар болам аллаё.
Қатта бўлгин жоним болам, дилтинамга ҳамроҳ бўлгин
аллаё, алла
Қобилинам Маҳмуджоним аллаё, алла,
Менинг эрка болам бўлгин жоним отам аллаё, алла.

ЯНГАЖОН

Шўх




Қош-ла - ри қа - ро, кўз-ла - ри аъ - ло, юз - ла - ри аъ - ло ян - га - жон,



Ҳар бир бо - қи-шинг бо-шим-га ба - ло, бо-шим-га ба - ло ян - га - жон.



Қў-ши-гим қў-шиқ, то-мо-гим те-шиқ, қул-га нон бер-санг ай - та ман қў-шиқ.



Эг-шинг-да ним-ча, юз - ла - ри сип-та, бе-линг-да хип-ча ян - га - жон.



Сип-та ю-зинг-дан бир бў - са бер-гин, бир бў - са бер-гин ян - га - жон.



Қў-ши-гим қў-шиқ, то-мо-гим те-шиқ, қул-га нон бер-санг ай - та-ман қў-шиқ.

ЯНГАЖОН

Қошлари қаро,
Кўзлари қаро,
Юзлари аъло янгажон.
Ҳар бир боқишинг,
Бошимга бало янгажон.

Нақорат:
Қўшигим қўшиқ,
Томоғим тешик,
Қулча нон берсанг,
Айтаман қўшиқ.

Эгшингда нимча,
Юзлари сипта.
Белинга хипча янгажон.
Сипта юзингдан
Бир бўса бергин янгажон.

Нақорат:
Қўшигим қўшиқ,
Томоғим тешик,
Қулча нон берсанг,
Айтаман қўшиқ.

Маълумот берувчилар:

1. Хурсандов Халиқ “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими”, драматург, “Хуррият” газетасининг Сурхондарё вилояти бўйича мухбири, 1945 йилда Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани Туз бозор маҳалласида туғилган, миллати ўзбек. Ҳозирда Бойсун тумани маданият уйида халқ ижодиёти бўйича услубчи вазифасида ишламоқда. “Лолача”, “Воҳ-воҳ тўрам”, “Ҳай доғу доғ” кўшиқлари ёзиб олинган.

2. Ҳотамов Нарзулло “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими”, 1940 йилда Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани Катта Вахшивор қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, миллати ўзбек. Кўп йиллар мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган, ҳозирда нафақада. 2003 йил ноябр ойида “Оҳ-воҳ”, “Хуёлло” кўшиқларини М.Наимов ёзиб олган.

3. Худойназаров Сойиб 1933 йилда Сурхондарё вилояти, Денов тумани Ўшор қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, миллати ўзбек. Кўп йиллар мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган, ҳозирда нафақада. “Ҳай ёр-е, ҳай дўст”, “Лайла-ло” “Во-велей” кўшиқларини М.Наимов ёзиб олган.

4. Турдиев Хуррам 1930 йилда Сурхондарё вилояти, Сарпосиё тумани Дашнобод қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, миллати ўзбек. Кўп йиллар колхозда ишчи бўлиб ишлаган, ҳозирда нафақада. Дашнобод “Нақш” кўшиғи ёзиб олинган.

5. Норов Аҳмад 1935 йилда Сурхондарё вилояти, Денов тумани Пожур қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, миллати тожик. Кўп йиллар колхозда хизмат қилган, ҳозирда нафақада. Ингим-терим мавсумида айтиладиган “Ёзи”, “Майда” кўшиқларини М.Наимов ёзиб олган.

6. Соатова Ҳайитгул 1952 йилда Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани Ижтимоят жамоа хўжалиғида туғилган, миллати ўзбек, кўнгирот уруғидан. Шўрчи тумани Маданият уйи қошидаги “Булбулгўё” фольклор ансамбли қатнашчиси. 2003 йил “Наврўз” сайлларида айтиладиган “Оҳай-оҳай” кўшиғини М.Наимов ёзиб олган.

7. Шарипов Нурали Бўри бахши ўғли 1959 йилда Сурхондарё вилояти, Денов тумани Мустақиллик жамоа хўжалиғида ишчи оиласида туғилган, миллати тожик. 2007 йил “Рамазон”, “Беда-на” кўшиқларини М.Наимов ёзиб олган.

8. Зайишев Собир бахши 1937 йилда Сурхондарё вилояти, Денов тумани Мустақиллик жамоа хўжалиғида ишчи оиласида туғилган, миллати тожик. Кўп йиллар хўжаликда оддий ишчи бўлиб ишлаган, ҳозирда нафақада. 2007 йил март ойида “Раббиман” кўшиғини М.Наимов ёзиб олган.

9. Бакаров Нормурод 1956 йилда Сурхондарё вилояти, Термиз туманида туғилган, миллати ўзбек (чигатоӣ уруғидан). Термиз санъат коллежида кафедра мудири вазифасида ишлаб келмоқда. 2007 йил март ойида “Дўрма” кўшиғини М.Наимов ёзиб олган.

10. Бобоназарова Назокат 1949 йилда Сурхондарё вилояти, Денов тумани Ўшор қишлоғида ишчи оиласида туғилган, миллати ўзбек. Кўп йиллар хўжаликда оддий ишчи бўлиб хизмат қилган, ҳозирда нафақада. Келин-куёв тўғида айтиладиган “Пахтарогир” кўшиғини 2003 йилда М.Наимов ёзиб олган.

11. Қурбонов Саттор 1959 йилда Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани Катари гузор маҳалласида туғилган, миллати ўзбек. Кўп йиллар “Бойсун” фольклор-этнографик ансамблида фаол иштирокчи кўрсатган. Ҳозирда Термиз Давлат университетининг “Педагогика ва мусиқа” факультетида катта ўқитувчи бўлиб ишламоқда. “Янгажон”, “Бойсун ёр-ёри” кўшиқларини 2007 йил июн ойида М.Наимов ёзиб олган.

12. Ибодова Гулжон 1930 йилда Сурхондарё вилояти, Денов тумани Пожур қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, миллати тожик. Кўп йиллар колхозда хизмат қилган, ҳозирда нафақада. Мавсумий меҳнат маросими кўшиқларини 2003 йилда М.Наимов ёзиб олган.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
Тўй маросим қўшиқлари	4
Наврўз қўшиқлари	4
Мавсумий меҳнат маросим қўшиқлар	5
Идилома-тиқвим қўшиқлар	5
Турли мавтулати халқ қўшиқлари	6
Во вelay (Вой улай)	6
Ҳай догу дог	6
Дўрма	6
Хуёлло	6
Ласачи	6
Воҳ-воҳ тўрам	6
Алла	6
Янгажон	7
Лай-ла-ло	8
Пахтаро гир	10
Наҳш айтингуя қўшиғи	11
Бойсуи ёр-ёри	12
Оҳай-оҳай	13
Оҳ-воҳ	14
Бедана	15
Ели	16
Раббиман	17
Во-вelay (Вой улай)	18
Ҳай дог-у догиндан	19
Дўрма	20
Хуёлло	21
Дўст бўламинг (полча)	22
Воҳ-воҳ тўрам	23
Алла	25
Янгажон	26
Маълумот берувчилар	27

Адабий-бадний нашр

МУЗАФФАР НАИМОВ

СУРХОНДАРЕ ҚЎШИҚЛАРИ
3-қисм

Муҳаррир Гавҳар МИРЗАЕВА
Бадний муҳаррир Уйғун СОЛИҲОВ
Тех. муҳаррир Вера ДЕМЧЕНКО
Мусахҳиҳ Феруза ҚОСИМОВА

Компьютерда саҳифаловчи Диллора ЖУРАБЕКОВА

Бохани 17.06.2010 йда руҳсат этилди. Боҳани 60x84 1/8. Боҳма тобоғи 3,5. Шартли боҳма тобоғи 3,25.

Гарнитурга «LexTimes Cyt+Uzb». Оффсет қоғоз. Алади 200 нусха. Буюртма № 36.

Баҳоси келишилган нарда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди. «Ei-Press» боҳмалонисиди боҳилди.
100113. Тошкент, Чиланкыр-8, Қаторган кўчаси, 60.

Муровват учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89, Маркетинг бўлими – 128-78-43 факс – 273-00-14; e-mail: yangiasravloidi@mail.ru



Музаффар Наимов 1962 йилда Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳрида туғилган. М.Ашрафий номи Тошкент давлат консерваториясини тугатган. 2000 йилда “Ўзбекистон халқ таълими аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланган.

Унинг “СУРХОН ҚЎШИҚЛАРИ” I-II, “ҚАЛБ НАВОЛАРИ”, “АЗИЗ УСТОЗЛАР ҳақидаги қўшиқлар тўплами”, “МЕТАР НАВОЛАРИ”, “ҚАДИМ СУРХОН НАВОЛАРИ”, Г.Саидмаликов билан ҳамкорликда “КЎНГИЛ БИР НАВО ИСТАР” китоблари, бир неча услубий қўлланмалари ва илмий мақолалари нашр этилган. Ҳозирда “ЎЗБЕК МАРОСИМ ҚЎШИҚЛАРИ” мавзусида илмий иш олиб бормоқда ҳамда Термиз давлат университетида ўқитувчи бўлиб ишламоқда.